

Риштон шаҳри.

“ 21 ” ноябрь 2022 йил

Бизлар ким имзо чекиб шартнома тузувчилар келгусида «Сотувчи» деб аталувчи «Фар Озиқ Овқат Маҳсулот» МЧЖ раҳбари Х. Тешабоев бир томондан ва келгусида «Сотиб олувчи» деб аталувчи «Риштон туман Мактабгача Таълим Бўлими» уз Низоми асосида фаолият юритувчи раҳбар М.Дадажоновна ушбу шартномани имзолаш билан куйидагилар келишилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 “Сотувчи” ушбу шартномага асосан “Сотиб олувчига” ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беради, “Сотиб олувчи” етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотларни қабул қилиб олиб, тўлов ҳужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштириб, харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда амалга оширади.

№	Маҳсулот номи	ўл.бир	миқдор	нархи	суммаси
1	Гурунч (захира)	кг	12 435,0	9 800,0	121 863 000
	Жами:				121 863 000

II. ШАРТНОМА БАҲОСИ, МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1 Мазкур шартноманинг умумий қиймати бир юз йигирма бир миллион саккиз юз олтимиш уч минг сўмни ташкил этади.

2.2. “Сотувчи” томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари “Сотиб олувчи”нинг талабига қўра босқичма-босқич етказиб берилади.

2.3 “Сотиб олувчи”га озиқ-овқат маҳсулотлари “Сотувчи”нинг транспортида 30 (уттиз) кун муддат ичида етказиб берилади.

2.4 “Сотувчи” тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва муддатларда озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беради.

2.5 “Сотиб олувчи” «Сотувчи» тақдим этган ҳужжатларга асосан узил-кесил ҳисоб-китобни ўзаро келишилган муддатларда “Сотувчи” ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

2.6. Маҳсулот етказиб бериш даврида маҳсулотларнинг нархлари ўзгарган тақдирда “Сотувчи” ёки “Сотиб олувчи” ташаббуси билан мазкур шартномага қўшимча келишув шартномаси тузилиши мумкин.

2.8. “Сотиб олувчи” “Сотувчи”га олинган товарининг 30 (ўттиз) фоиз ҳақини олдиндан ўтказиб беради, товарнинг қолган суммасини 30 банк иш кунни мобайнида кечиктирмай тўлиқ тўловини таъминлайди.

III. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

3.2 “Сотиб олувчи” томонидан талабномани озиқ-овқат маҳсулотларининг тегишли туркумланини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасигача камида 3 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Талабномани чопар орқали қабул қилишда “Сотувчи”нинг ходими “Сотиб олувчи”да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

3.3. “Сотиб олувчи” илгари берилган талабномани бекор қилишга ёхуд озиқ-овқат маҳсулотларининг тегишли туркумланини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда “Сотувчи”ни талабномада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

3.4. “Сотиб олувчи” муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

3.5. “Сотиб олувчи” “Сотувчи” томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмаган ёки сифатсиз маҳсулотлар етказиб берилган ҳолатларда шартномани “Сотувчи” ни ёзма хабардор қилган ҳолда бир томонлама бекор қилиши мумкин. Қолган ҳолатларда шартнома шартларига тегишли ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро қўшимча келишувларига мувофиқ киритилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**“Сотувчи”нинг мажбуриятлари:**

4.1 “Сотувчи” етказиб бериладиган маҳсулот сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрларга мувофиқ бўлишини ҳамда тегишли сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёнига эга бўлишини ва ўзаро келишилган миқдорда бўлишини таъминлайди. Акс ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари “Сотиб олувчи” томонидан қабул қилинмайди.

4.2 “Сотиб олувчи”га озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш вақтида тегишли сифат сертификат ёки таҳлил (текшириш) баёни нусхасини тақдим этади.

4.3 Озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни “Сотиб олувчи” талабига мувофиқ 3 кунлик муддатда бартараф этади.

4.4 “Сотиб олувчи” томонидан сотиб олинган маҳсулотларига 3 ой муддат утгандан сунг нарх-наво ва сифатига булган даъво «Сотувчи» томонидан қабул қилинмайди.

“Сотиб олувчи”нинг мажбуриятлари:

4.5 Ўз талабномаси бўйича етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабу қилиш;

4.6. Озиқ-овқат маҳсулотларини мазкур шартномада кўрсатилган нарх бўйича белгиланган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китобни амалга ошириш.

4.7. Шартномани амал қилиш даврида “Сотувчи” томонидан давлат манфаатларига зарар етказиш ҳолатлари аниқланган тақдирда шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир.

V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Агар «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га сифатсиз, ёки саклаш муддатлари утиб кетган маҳсулотларни етказиб берилган ҳолда «Сотиб олувчи» «Сотувчи»дан бундай маҳсулотларни умумий қийматидан 20%, жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2. Агар «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га белгиланган маҳсулотлар белгиланган муддатларда етказиб берилмаса, «Сотувчи» муддати утган ҳар бир кун учун кечиктирилган маҳсулот қийматининг 0,5% миқдоридан лекин кечиктирилган маҳсулот қийматининг 50% дан ошмаган ҳолда «Сотиб олувчи»га пеня тўлайди.

5.3. Агар «Сотиб олувчи» «Сотувчи»дан олинган маҳсулот пулини белгиланган муддатда тўлаб бермаса, муддати ўтган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4% миқдоридан, лекин кечиктирилган туловнинг 50% ошмаган миқдорда пеня тулайди.

5.4. Жарималар туланиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

5.5. Агар «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га бериладигон озиқ-овқат маҳсулоти учун (юк хати, маҳсулот номи, килограми, нархи ва жами суммаси, сертификати ва дмтт ларнинг кунлик эҳтиёжига қараб етказиб бериш ҳамда ой тугагандан сунг маҳсулотни жамлаб Сотувчи томонидан фактура берилади) йук булса Сотувчи билан Сотиб олувчи ўртасида тузилган шартнома тўғридан тўғри бекор қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ФОРС-МАЖОР

7.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаши, сел қилиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва кўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома “Сотиб олувчи”, “Сотувчи” томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга қиради ва 2022 йил “21 ноябрь” 2022 йил «31» декабр гача амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8.3. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бўлимидан руйхатдан утказилгандан сунг қонуний кучга қиради.

IX. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БЎЙИЧА ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупсияга қарши қурашиш мажбуриятини оладилар меёрий ҳужжатларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини тامينлайди; бир-бирининг томонлари ёки давлат мансабдор шахсига пора бериш ёки воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий манфаатлардан қочишқ Томонлар бундай ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайди

9.2. Коррупсияга қарши қураш қоидалари бузилганлиги ёки асосли шубҳа туылганлиги тўғрисида томонлар дарҳол ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Вир-бирларини шахс (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали хабардор қилишлари шарт. Бундай ҳолда, томонлар вазиятни аниқлаштириш учун ёзма тушунтиришни талаб қилишга ҳақли. Мулкдор ва муурожаатни қабул қилган томон 10 (ўн) иш кунни ичида тушунтириш беришга ёки ўз фикрини билдиришга мажбурдир.

9.3. Ушбу бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан коррупсия хавфини белгиланган муддатларда бар тараф этилмаган тақдирда тарафлар томонидан кўрилган чоралар коррупсия ҳолатининг пасайишига олиб келади. Акс ҳолда, бошқа томон шартномани бекор қилишга ёки унинг бажарилишини тўхтатиб қўйишга ҳақли

9.4. Сотиб олувчига етказиб берилган маҳсулот учун барча тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда ҳисоб-варақани Расмийлаштириш санаси Сотиб олувчи томонидан товарларни қабул қилиш кунни ҳисобланади.

9.5. Ушбу шартноманинг барча шартлари календар кундан кейинги кун ёки муддат бошланишини аниқлаган воқеа содир булган кундан бошлаб ҳисобланади.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг иккала нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

ХII. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

«Сотувчи»
«Сотувчи»

«Фар Озик Овқат Махсулот» МЧЖ
(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Фаргона тумани, Парвоз, Фаровон турмуш кучаси 1-уй

Тел./факс: 97 9650007

Х/в: 2020 8000 4052 9764 0001

Банк номи: «Хамкорбанк» Фаргона вилоят филиали.

МФО: 01155 СТИР: 307 862 971

ОКОНХ:

Рахбар:
(давозим)



Х. Тешабоев
(Ф.И.Ш)

«Сотиб олувчи»

Риштон туман мактабгача таълим бўлими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Риштон шаҳар Ар Рошидоний кўчаси 78 уй

Тел./факс 73-452-11-81

ш/хр: 100022860302247091100251035

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 305154421

ОКОНХ: 85100

Узб.Респ.Молия Вазирлиги Ғазначилиги Ягона Ғазна

Хисоб варағи

Ғазна х/р **23402000300100001010**

Банкнинг номи **Марказий банк Тошкент ш. Бош**

бошқармаси ҳисоб китоб касса маркази

МФО **00014** ғазначилик бўлинмаси СТИРИ **201122919**

Рахбар:
(давозим)



М. Дадажонов
(Ф.И.Ш)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

RQ2886713117

1. Loyihaning turi : Shartnoma 20

2. Loyihaning nomi: **mahsulot yetkazib berish haqida**

Shartnoma taraflari: "Far Oziq-ovqat mahsulot" MChJ va MAKTABGACHA
TA'LIM BO'LIMI

Shartnoma mazmuni: 121.863.000(bir yuz yigirma bir million sakkiz yuz oltmish uch
ming) so'mlik gunch mahsuloti

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: RISHTON TUMAN
MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI tomonidan 16.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha O'zbekiston Respublikasining 20.08.1998 yilgi "Xo'jalik yurituvchi
sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida" gi qonuni,
O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.09.2018 yilgi "Davlat haridlari to'g'risida"
gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risidagi 3953-sonli qarori hamda
O'zbekiston Respublikasi Budjet kodeksining 122-moddasi 8-bandi talablariga muvofiq
ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Rishton tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



B.I.BO'RIYEV

18.11.2022